



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 1 июль, № 129 (6823) Шанба

Сайтнинг ўқувчи учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЕТУҚ ЁШЛАР — ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗГА ЕТИШДА ТАЯНЧИМИЗ ВА СУЯНЧИМИЗДИР



ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ЯНГИ ТАШКИЛОТИ

Тошкентдаги Симпозиумлар саройида 30 июнь куни Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойи бўлиб ўтди.

Анжуман дастури ранг-баранг тадбирларга бой бўлди. Қурултой делегатлари Ўзбек Миллий академик драма театрида "Тақдир синовлари" спектаклини томоша қилди. "Шахидлар хотираси" хиёбони ва "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Ҳазрати Имом мажмуасини бориб кўрди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи, Яққасарой туманидаги 144-умумтаълим мактабида яратилган шароитлар билан танишди. Ёшлар ижод саройида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида академиклар ва ёш олимлар билан учрашди.

Қурултой делегатлари Мустақиллик майдонида ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз раъзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Симпозиумлар саройида "Камолот"нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларидан сайланган делегатлар жам бўлди. Қурултой кун тартибига қўйилган масалаларнинг долзарблигидан келиб чиқиб, унда қатнашиш учун Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари тақлиф этилди. Шунингдек, видеоконференция орқали Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари, худудлардаги ёшлар қатнашди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қурултойи очик, деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

(Давоми 4-бетда).

Президент Шавкат Мирзиёевнинг

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи

Қадри анжуман иштирокчилари!

Авалло, сиз, азизлар билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида учрашиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, барчангизга ўзининг чуқур хурматини ва эзгу тилакларини изҳор этишга руҳсат бергайсиз.

Очилишни айтганда, мен бугунги учрашувга кўпдан буюн тайёргарлик қўриб келатган эдим. Юртимиз ёшларининг нуносиб вакиллари, эртанги кунимиз эгалари бўлган сиз, азиз ўғил-қизларимиз даврасида ёшимиз, лавозимдаги фарқларга эътибор бермасдан, худдики сизлар билан тенг бўлиб, чин дилдан, самимий бир суҳбат қуришни анчадан бери орзу қилиб келар эдим.

Бугун сизларнинг қалбингиз, юрагингиздаги ўй-фикрлар, мақсад-муқддолар, керак бўлса, ушамал турган ниятлар билан ақиндан танишиш, шу асосда ёшлар сиёсати бўйича олиб бораётган ишларимизни танқидий баҳолаб, тегишли қарорлар қабул қилишни мен ўз фаолиятим учун гоят муҳим, деб ҳисоблайман.

Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замоналарда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланган бўлмоқда.

"Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди", дейди доғистонликлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўлиш пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмақда.

Диний экстремизм, терроризм, гийҳванчилик, оддам савдоси, ноқонуний миграция, "оммавий маданият" каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзод асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга пугур етказмоқда.

Мана шундай ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани — айтиш қийин ва буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Бугунги учрашувимизда ана шу мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати қандай амалга ошириляпти, бу соҳада қандай муаммолар бор, уларни қандай ҳал қилишимиз керак, бу борада ёшлар ташкилотининг ўрни қандай бўлиши лозим, деган масалалар ҳақида атрофлича гаплашиб олсак, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади.

Хурматли йигилиш қатнашчилари! Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларни модернизация қилиш ва янгилаш жараёни янги босқичда жадал олиб боришмоқда.

Ҳаёт талабларидан келиб чиқиб, юртимиздаги кўпгина давлат ва нодавлат ташкилотларининг фаолияти янада такомиллаштирилмоқда. Шу нуктага назардан қараганда, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз тақдирига дахлдор бўлган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бугунги кун ва эртанги истиқболи барчамизни ўйлантириши табиий.

Сизларга яхши маълум, бундан 16 йил олдин, яъни 2001 йилда ташкил этилган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ўтган давр мобайнида ёшлар ҳаётига кириб бориб, уларнинг маълум бир қисмини ўз атрофида бириктиришга, ўз Дастури ва Уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни имкон даражасида бажаришга ҳаракат қилиб келмоқда.

Ташкилот томонидан ёшларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётида ўз ўрнини эгаллашга кўмаклашиш бўйича ишларни қанча ижобий ишлар амалга оширилганини албатта эътироф этишимиз керак.

Айни вақтда таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, моҳият эътибори билан ёшларнинг ҳақиқий таяничи ва суянчиси бўлиши зарур бўлган "Камолот" ҳаракати фаолиятида жиддий камчилик ва нуқсонлар кўзга ташланмоқда.

Биринчидан, "Камолот" бутун Ўзбекистон ёшларини бириктирган, том маънодаги оммавий ҳаракатга айлана олмади. У, асосан, ўз атрофида Ҳаракат фаолиятига хайрихоҳ бўлган ёшларни уюштириб, фақат уларни қизиқтирган масалалар юзасидангина иш олиб борди.

Натижада ёшларнинг кенг қатламларига тааллуқли бўлган долзарб масалалар, аввало, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни катта мақсадлар сари сафарбар этиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, қисқача айтганда, ёшларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзини ҳақиқий ёшлар ташкилоти сифатида кўрсата олмади.

Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда "Камолот"нинг 4 миллионга яқин аъзоси бор. Бу мамлакатимиздаги 10 миллиондан зиёд йигит-қизларнинг 40 фоизини ташкил этади.

Бир қарашда, 4 миллион — салмоқли рақам бўлиб қўрилади. Лекин ҳолисона айтганда, ташкилотга аъзоллик кўп ҳолларда фақат қозғола мавжуд, амалда эса аксарият аъзолар "Камолот" тўғрисида

аниқ тасаввурга эга эмас, унинг мақсад ва вазифаларини билмайди, ўз етакчиларини танимайди, Ҳаракат фаолиятида иштирок этмайди.

Натижада юртимиздаги минглаб ёшлар, айниқса, қишлоқ жойларда нафақат "Камолот"нинг, айтиш вақтида давлат ва жаҳоннинг эътиборидан четда қолмоқда. Улар билан ҳеч ким дерили шугулланмаяпти, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, десак, аччиқ ҳақиқатни тан олган бўламиз.

Бунинг оқибатида уюшмаган, яъни ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган, салбий таъсирларга берилувчи ёшлар сони ортиб бормоқда. Ёшлар ўртасида жиноят содир этиш, диний экстремистик оқимларга, террорчи гуруҳларга қўшилиб қолмиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани кузатишмоқда.

2016 йилда ёшлар иштирокида 1 миллион 740 миңга яқин хуқуқбузарлик, 23 миңга 440 та жиноят содир этилган, ёш оилалар ўртасида 8 миңдан ортиқ ажралиш ҳолати қайд этилган. Барчамизни жиддий таъшишга солиши керак.

Албатта, бу борада ҳамма айб-ни фақат "Камолот"га юклаб қўйиш адолатдан эмас. Бу масалада маҳаллий ҳокимликлар, ички ишлар бўлими, прокуратура, суд, маҳалла идораларининг ҳам айби бор.

Айни вақтда бу масалада ёшлар билан доимо ҳамнафас, ҳамфикр бўлиб яшаш, ишлаши керак бўлган "Камолот" ва унинг жойлардаги бўлиналари унинг масъулияти кўпроқ, десак, тўғри бўлади.

"Камолот" фаолиятидаги бундай камчиликларнинг албатта **объектив ва субъектив сабаблари** бор. **Объектив сабаблар** шундан иборатки, биз ўз вақтида "Камолот"ни жамоат ташкилоти сифатида тузиб, лекин ундан катта бир вазирилик вазирасини талаб қила бошладик. Унга жуда кенг, улкан вазирилик топириди — у, аммо уларни бажариш учун зарур хуқуқий ва амалий ваколатлар, тегишли имконият ва имтиёзлар яратиб бериш ҳақида, афсуски, етарлича бош қотирмадик.

Оқибатда "Камолот" ёшлар ҳаёти билан боғлиқ ҳамма нарсага жавоб берадиган ва айни пайтда ҳеч нарсага жавоб бермайдиган, мўрт ва заиф бўлиб қолган айланмади қолганини бугун қанчалик оғир бўлмасин, эътироф этишимиз керак.

"Камолот" фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган **субъектив сабаблар** ҳақида гапирганда, унинг аксарият раҳбарлари ва ходимлари томонидан ишга раъиятчилик билан, ёзакли ва лоқайд муносабатда

бўлиш, машаққат, ичкиликбозликка берилиш каби салбий ҳолатларга йўл қўйлаётганини ҳам афсус билан қайд этиш лозим.

Мен бугунги анжуманда "ёшлар етакчиси" деган юксак номга мутлақо ярашмайдиган бундай ноҳуш ҳолатлар ҳақида гапириб, сизларни ҳижолатга қўйиш фикридан йироқман.

Сизлар қурултой мажлисида бу масалаларни ҳам муҳокама қилиб, уларга тегишли баҳо бера-сизлар, деб ўйлайман.

Афсуски, биз "Камолот"ни ёшларимиз чин дилдан интиладиган, самарали фаолият олиб борадиган, замонавий кучли бир ташкилотга айлантириш учун ўз вақтида тегишли чоралар кўрмадик. Буни очик тан олишимиз ва зарур ҳулоса чиқаришимиз керак.

Мен бу гапларни омондан олиб эмас, аниқ фактлардан келиб чиқиб айтаяман.

Мана, Президентнинг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар билан танишиб кўринглар. Уларнинг аксарияти "**Бизни ҳеч ким эштинмайди**", "**Бизни ҳеч ким туншунмайди**", "**Биз билан ҳеч ким қизқмайди**", "**Раҳбарлар ўзини ўйлаш билан овора**" деган мазмунда ёзилган.

Ёшларга, уларнинг ташвиши ва муаммоларига ана шундай менсимасдан қараш ҳолатлари, афсуски, ҳақиқат.

Биз ёшларга мана шундай беписанд, бегона муносабатда бўлсак, оқибати нима бўлиши аниқ — улар ҳам биздан бегонлашади.

Уқиндан, ишдан, жамиятдан, давлатдан, бориники, ҳаётдан кўнгли совиб, халқимиз ибораси билан айтганда, кўлини ювиб, қўлтигига уради.

Бу ҳақида гапирганда, нафақат жойларда, балки Ҳаракатнинг марказий идорасида ҳам меҳнат ва ҳаёт таърибасига эга бўлган маҳаллий кадрларнинг етишмаслиги жиддий муаммо бўлиб турганини таъкидлаш лозим.

Бунинг асосий сабабларидан бири шунданки, тизимда ишлаётган ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга етарлича эътибор берилмапти.

Уртача ойлик иш ҳақи 800 миң сўмни ташкил этаётгани учун уларнинг аксарияти ойлик маоши катта бўлган бошқа ишларга ўтиб кетаяпти.

Бунинг устига, кўпгина вилот ва туманларда "Камолот" ташкилотлари учун бинолар етишмаслиги, уларнинг моддий-техника базаси ноқорлиги, зарур мебель ва инвентарлар, алоқа ва ташкилий техни-

ка воситалари билан етарлича таъминланмагани, хизмат машиналари йўлғуни ҳам ишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мисол учун, худудий бўлиналарнинг 81 таси маҳаллий ҳокимликлар биносидан, 96 таси турли қорхона ва муассасалар биносидан жойлашган. Бу ўз-ўзидан ёшларнинг ўз ташкилотига эркин кириб-чиқиб олиш имкониятини қийинлаштиради.

Баъзи мисолларга мурожаат қилайлик. Фарғона вилоятида Ёшлар маркази биносининг биринчи қаватида ёшлар учун мўлжалланган тўғарақ ва клублар фаолияти тўхтатилиб, мазкур бино ҳокимлик томонидан бошқа ташкилотга бериб юборилган.

"Камолот"нинг Тошкент вилояти, Пискент тумани кенгаши туман ҳокимлиги биносидан фаолият юритиб келган. Аммо ҳокимнинг топшириғига кўра, "Камолот"га тегишли хоналар "Маҳалла" фонднинг туман бўлимига олиб берилган. "Камолот"га эса урчи қаватдаги мажлислар залидан шунчаки номига жой ажратилган.

Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли, Фарғона вилоятининг Сўх туманидаги "Камолот" ташкилотлари авария ҳолатидаги биноларда жойлашганига, айтилган, нима деса бўлади?

Ана шундай чидаб бўлмайдиган ана бир мисолни келтирмоқчиман. "Камолот" ҳаракатининг Урта Чирчиқ тумани кенгаши "Элегант" деб аталадиган келин-куёвлар либоси салонига жойлашган. Буни қандай бошқола мумкин?

Ҳаракатнинг жойлардаги тузилмалари фаолияти тор доирада чекланиб, асосан, ўқувчи-ёшларга қаратилмоқда. Бунинг натижасида ёшларнинг катта қисмига Ҳаракатнинг сўзи ҳам, амалий таъсири ҳам етиб бормапти. Айниқса, уюшмаган ёшлар билан ишлаш масаласи эътибордан четда қилиб кетмоқда.

"Камолот" томонидан ўтказиляётган кўпчилик тадбирларнинг, тарғибот материалларининг мазмун ва сифати пастлиги, улар зamon талабларига жавоб бермаслиги, ёшлар аудиторисини билан иш олиб боришда интерактив усуллар қўлланмаётганини қайд этиш лозим.

Яна бир ноҳуш ҳолат шундан иборатки, маҳаллий ҳокимликлар томонидан "Камолот" раҳбарлари ва ходимларини уларга алоқаси бўлмаган вазифаларни бажаришга, жумладан, қишлоқ хўжалиги юмушлари, металлтон топириши, ободонлаштириш каби ишларга, энг ёмони, турли-туман мажлисларга жалб этиш авж олмақда.

(Давоми 2, 3-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКАДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда ахборот-коммуникация технологияларини (кейинги ўринларда АКТ деб аталади) давлат бошқаруви ва давлат хизматлари кўрсатишининг барча соҳаларига жорий этиш бўйича босқичма-босқич ўтказиляётган ислохотлар ахборот хизматларини илгари суриш, «электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш ва амалга ошириш, халқ билан мулоқот қилиш ва аҳолининг кундалик муаммоларини жойларда ўз вақтида ҳал қилишнинг самарали механизмларини яратиш имконини берди.

Бу борада эришилган натижаларга қарамадан, ахборот технологиялари ривожланиши ва уларни иқтисодий соҳаларига жорий этишнинг ҳозирги ҳолати, шунингдек, маҳаллий дастурий маҳсулотларнинг экспорт даражаси ҳали ҳам пастлигича қолмоқда. Ахборот технологияларининг рақобатдош ва юқори унумдорликка эга тармоғини шакллантириш учун мамлакатнинг фан ва таълим соҳасидаги салоҳиятидан етарлича фойдаланилмаяпти.

Республикада амал қилаётган ташкилий-иқтисодий шароит АКТ соҳасида тез ўсишни намойиш этаётган хорижий мамлакатларда яратилган шароитларга нисбатан мамлакатнинг рақобатдошлиги пастлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу соҳанинг янада ривожланишига етарли даражада ёрдам бермапти.

АКТдан фойдаланиши янги имкониятларни очиб берад экан, давлат томонидан кенг қўллаш қўллаб-қувватлашни ҳамда республиканинг халқаро АКТ бозоридagi ўрнини кучайтириши талаб қилади.

АКТдан фойдаланишига асосланган иқтисодийнинг юқори технология тармоқларини шакллантириш ва фаол ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ахборот технологиялари маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва буортомчиларига кўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш ҳисобига ушбу тармоқда илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувини янада чўқурлаштириш, АКТ маҳсулотлари экспортини кўпайтириш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилик, Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ва «Ўзбектелеком» АКнинг ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация марказини (кейинги ўринларда Инновация маркази деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ БЎЙИЧА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон миллий давлатчилигининг вужудга келиши ва тараклий топишининг энг янги тарихини таъдиқ этиш ва ўқитиш, илмий, илмий-оммабоп, ўқув-методик, маърифий адабиётларни тайёрлаш ва соҳа этиш, илм-фаннинг таълим ва бошқа ижтимоий ҳолатлар билан интеграцияси механизmlарини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида илмий, маданий, таълим, жамоат муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш, ёшларга, авваломбор, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчиларида, олий таълим муассасалари талабаларида мамлакат тарихи ҳақидаги чуқур билимларни шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сонли қарорига мувофиқ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашига (кейинги ўринларда — Жамоатчилик кенгаши) айлантирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Жамоатчилик кенгаши Ўзбекистоннинг энг янги тарихини таъдиқ этиш ва ўқитиш самарадорлигини, мазкур соҳада илмий, ўқув-методик адабиётлар, маънавий-маърифий ишлар сифатини оширишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган, жамоатчилик асосида фаолият юритувчи идораларро илмий-мувофиқлаштириш ва мамлакат органи ҳисобланади.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги Тизим 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 4-бетда).

ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЕТУК ЁШЛАР — ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗГА ЕТИШДА ТАЯНЧИМИЗ ВА СУЯНЧИМИЗДИР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Бу масала бўйича Давлат маслаҳатчиси А. Юнусхўжаев, ташқи ишлар вазири А. Комилов, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А. Абдуқалимов Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда таклиф киритсин.

Еттинчидан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маънавий-ахлоқий жиҳатдан муаммоси бор, яъни нотинч оила фарзандлари, жиноятчиликка мойил бўлган ёки профилактик рўйхатда турадиган ёшлар билан индивидуал тарзда иш олиб боришга кўпроқ эътибор қаратиши лозим. Иқтидорли, тарбияли болалар билан ишлаш осон, лекин ҳаётда қўқилган ёки ёмон муҳитга тушиб қолган ёшларни тўғри йўлга, эзгу мақсадга даъват қилиш, ишонтириш қийин. Янги ташкилот мана шу оғир, лекин ўта зарур вазифани ўз зиммасига олиши аниқ мудоа бўлур эди.

Биз “ушмаган ёшлар, ушмаган ёшлар”, деб кўп гапирамиз. Лекин бу масалани ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан ҳал қилишга келганда, очик айтиш керак, кўпчилигимиз нима қилиш лозимлигини билмаймиз.

Шу мақсадда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошчилигида, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар иштирокида, бир илмий-амалий конференция ўтказиш ўринли бўлур эди. Унда уюш-

маган ёшлар билан ишлаш бўйича ҳар томонлама асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш зарур, деб ўйлайман. Бу вазифа Давлат маслаҳатчилари О. Муродов ва Р. Комиловга топширилади.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратишни истардим. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳақон маданияти ривожига беқийс ҳисса қўшган буюк аждодларимиз меросига ҳурмат, унга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, бу бебаҳо бойликни чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этишга қаратилган мазмундор, таъсирчан лойиҳаларни амалга оширишда ташаббус кўрсатиши нур устига нур бўлур эди. Ҳозирча бу борада ёшлар ташкилотининг ишчиси қониқарли, деб бўлмайди.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиқидек асраш, ёш авлод ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини қучатиришда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлиши лозим.

Маълумки, тарихда халқимиз орасидан кўплаб буюк саркардалар етишиб чиққан. Ана шундай мард ва фидойий аждодларимизнинг ҳарбий соҳадаги бой мероси, мардлик ва жасурлик фазилатлари ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, соҳибқирон Амр Темур бобомиздек — у зот биронта жангда ма-

луб бўлмаган — енгилмас саркарда ва давлат арбоби жаҳон тарихида камдан-кам топилади. Уз яқинлари, замондошлари бу улуг сиймони Темурбек деб атаган эканлар. Мен шу ҳақда ўйлаганимда, бир фикр хаёлимдан ҳеч кетмайди. Юртимизда ёшларга ҳарбий таълим-тарбия берадиган курсантлар мактабларига “Темурбеклар мактаби” деб ном берсак, нима дейсизлар?

Бу масала бўйича Бош вазир А. Арипов, Хавфсизлик кенгаши котиби В. Маҳмудов, мудофаа вазири К. Бердиевга бир ой муддатда таклиф киритиш вазифаси топширилади.

Азиз дўстлар! Юртимиз ёшлари ўртасида илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият, адабиёт ва санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳаларида, умуман, барча жабҳаларда жонбошлик кўрсатиб келётган азамат йигитларимиз жуда кўп. Улар ўзининг жисмоний ва маънавий салоҳияти, истеъдод ва маҳоратини намоён этиши учун зарур шароитларни яратиб бериш борасида мамлакатимизда кўп ишлар қилинган ва келгусида ҳам улари албатта давом эттирамиз.

Айни вақтда ҳалол ва самарали меҳнати, илмий-ҳужудий ютуқлари, Ватанга садоқати хизмати билан барчага ўрнак бўлаётган мард ўғлонларимизни кўплаб қувватлаш ва рағбатлантириш давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказида бўлиши зарур.

Сизларга маълумки, юртимизда иқтидорли ва фаол қизларимиз учун Ўзбекистондаги Давлат муқофоти таъсис этилган. Энди турли соҳа ва тармоқларда катта натижаларга эришиб келётган йигитлар учун “Мард ўғлонлар” деган ном билан Давлат муқофотини таъсис этсак, нима дейсизлар?

Шу билан бирга, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда, ўқишда, меҳнатда, жамоат ишларида ҳар томонлама фаол бўлган йигит-қизларимизни тақдирлаш мақсадида “Келажақ бунёдкори” медалини ҳам таъсис этиш ўринли бўлур эди.

Нега деганда, ҳар қандай ютуқ, ҳар қандай галабанинг замирида, аввало, меҳнат ва қатъият, мардлик ва жасорат муҳассам бўлиб, эл-юрт равнақи йўлидаги ҳалол хизмат албатта ўзининг муносиб баҳоси ва қадрини топиши керак.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир муҳим фикрни сизлар билан маслаҳат қилмоқчиман. Юртимизда байрамлар кўп, лекин ёшларга бағишланган алоҳида байрам йўқ. Бугун шу масалани ҳам ҳал этадиган вақт келди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилган кун — 30 июнь санасини мамлакатимизда **Ёшлар кuni** деб эълон қилсак, қандай бўлади?

Ҳурматли делегатлар, азиз фарзандларим! Мана, бугун сизлар билан мамла-

тимиз ёшлари ҳаётига дахлдор кўпгина масалалар тўғрисида, жумладан, ёш авлодимизни ҳар томонлама етуқ инсонлар, биз бошлаган улуг ишларнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш борасида олдимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифалар ҳақида атрофича гаплашиб олдик.

Тан олиш керакки, кескин танқидий гаплар ҳам бўлди. Лекин бу гаплар қанчалик аччик бўлмасин, улар ҳаққоний гаплардир. Мен ўйлайманки, биз бир-биримизни тўғри тушундик.

Бугунги муҳокама, билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг барчаси ягона, эзгу бир мақсадга, яъни халқимиз, энг аввало, ёшларимизнинг ҳаётини янада обод ва фаровон, мазмунли ва бахтли қилишга қаратилганини ҳаммамиз англаб туришимиз.

Бугун мана шу мухташам залда тўпланган сиз, азизларим, вилот ва туманларда видеолоқа орқали анжуман ишини кузатиб бораётган йигит-қизларимизни, барчангизнинг ёниб турган кўзларингизни, азму шижоатингизни, навқирон куч-ғайратингизни кўриб, сизлар билан самимий сўхбатда бўлиб, очинини айтсам, ўзим ҳам яшариб кетган-дек бўлдим.

Бугунги учрашувдаги кўтаринки руҳ, баланд кайфиятни кўрган ҳар қандай одам беихтиёр машур шоиримиз Ҳамид Фуломнинг:

“Ох, сенинг ёшлигинг менда

бўлсайди!” деган гўзал сатрини такрорлашга тайин, деб ўйлайман.

Ҳақиқатан ҳам, биз, ота-оналар, устоз ва мураббийлар сизларни, бутун Ўзбекистон ёшларини Ватанимиз, жамиятимизнинг ҳал қилувчи кучи, деб биламиз ва сизлар ҳаммиша халқимизнинг мана шундай юксак ишончига муносиб бўласиз, деб ишонамиз.

Сизларга яхши маълум, ҳозирги вақтда юртимизда “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” деган шир кенг тарқалиб, ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Лекин Ўзбекистонимизнинг мана шундай еруғ ва фаровон истиқболини бунёд этишдек масъулиятга қўяётган вазифани ким ўз зиммасига олади?

Албатта, фақат замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эзганга, мустақил фикрлайдиган, доимо эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган сиз, азиз ёшларимиз майдонга дадил чиқиб, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган вазифаларни ҳал этишга қодирсиз.

Мана шундай улуг мақсадга эришиш йўлида, Ўзбекистон ёшлар иттифоқини том маънода мамлакатимиздаги барча ёшларнинг таяничи ва суньячи айлантириш йўлида сизларга сийхат-саломатлик, куч-ғайрат, бахт ва омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКАДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Белгилаб қўйилсинки, Инновация маркази ахборот технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун энг қулай шароитларни яратиш мақсадида бутун республика ҳудудини Инновация маркази резидентларини қўллаш тарғиб қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида экстерриториаллик принциплари асосида ташкил қилинади.

3. Куйидагилар Инновация маркази фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

хўжалик юритувчи субъектлар ва олий таълим муассасаларининг ахборот технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда ички ва ташқи бозорларда сотишга қаратилган ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш учун зарур ташкилий-техник ва молиявий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш;

АКТ соҳасида рақобатдош лойиҳаларни ички ва ташқи бозорларда сотиш учун хорижий инвестицияларни жалб этишда Инновация маркази резидентларига қўмаклашиш;

олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларининг «ахборот технологиялари» мутахассислиги бўйича битирувчиларининг ишга жойлаштирилишини таъминлашда, шу жумладан, иқтидорли ёшлар томонидан «старт-ап» лойиҳаларини амалга оширишда улари кўплаб-қувватлаш йўли билан иштирок этиш;

қисқа муддатли ва ўрта муддатли ихтисослаштирилган курсларни ташкил этиш, шу жумладан, чет эл мутахассисларини таклиф этиш йўли билан АКТ соҳасидаги кадрлар малакасини ошириш ва улари қайта тайёрлашни ташкил қилиш;

ёш тадбиркорлар томонидан ахборот технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасидаги истиқболли йўналишлар бўйича инновация лойиҳалари амалга оширилишини кўплаб-қувватлаш.

4. Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни кўплаб-қувватлаш бўйича «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация марказининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши

(кейинги ўринларда Мувофиқлаштирувчи кенгаш деб аталади) иловага мувофиқ тарихида ташкил этилсин.

Куйидагилар Мувофиқлаштирувчи кенгашининг асосий функциялари этиб белгилансин:

Инновация марказини ривожлантиришга қўмаклашиш борасида давлат органлари, илмий, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш; республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантиришда Инновация маркази фаолиятини тизимли мониторинг қилиш ва таҳлил қилиш;

Инновация марказининг фаолиятини такомиллаштириш ва ахборот технологиялари соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар учун шарт-шароитларни, шу жумладан, илгор чет эл тажрибаси асосида яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

юрidik шахсларни Инновация маркази резидентлари сифатида рўйхатга олиш ва улари резидент мақомидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

Инновация маркази резидентларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш.

5. Инновация маркази резидентлари 2028 йил 1 январгача бўлган муддатта:

барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ахборот технологиялари, шунингдек, ягона ижтимоий тўловни тўлашдан;

белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, ўз эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технологик ҳужжатлар, дастурий таъминот воситалари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона йиғимларидан ташқари);

ўзи ишлаб чиқарадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг бир қисmini мажбурий сотишдан озод этилсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Инновация маркази резидентлари:

ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишдан тушган пул маблағлари доирасида хизматларга иш

ҳақи ва дивидендларни халқаро тўлов карталарига ўтказиш йўли билан нақд бўлмаган шаклда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китобларни чет эл валютасида амалга ошириш; экспорт контрактлари мавжуд бўлмаган ҳолда Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидаги онлайн дўконлар орқали ишлар ва хизматлар экспортини чет эл валютасида амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда:

хар йили берилган имтиёзлар ва преференцияларнинг АКТ миллий бозорининг ривожланишига таъсири, ички ва ташқи бозорларда дастурий маҳсулотлар ва АКТ хизматларининг рақобатдошлиги даражасини таҳлил қилсин ва таҳлил натижаларини кейинчалик Мувофиқлаштирувчи кенгашга киритсин;

2017 йил 1 ноябргача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2013 йил 20 сентябрдаги ПҚ-2042-сон қарорига мувофиқ яратилган Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари миллий реестрининг келгусида фаолият юритишининг мақсадида мувофиқлиги тўғрисидаги таклифларни Мувофиқлаштирувчи кенгашга киритсин.

8. Инновация маркази резидентлари билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича ходимлар томонидан 2028 йил 1 январгача олинган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар:

7,5 фоиз микдордаги қатъий белгиланган ставка бўйича жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 4,5 фоизли ставка бўйича фуқароларнинг суғурта бадалларига тортилиши;

солиқ солиш мақсадида белгиланадиган жисмоний шахсларнинг умумий йиллик даромадлари ҳажмига киритилмаслиги белгилаб қўйилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва

резидентлари сифатида рўйхатга олиш ва улари мақомидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

Инновация маркази резидентларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

Фармонга мувофиқ, Инновация маркази резидентларини давлат томонидан кўплаб-қувватлашда биринчи навбатда қуйидаги имтиёз ва преференциялар кўзда тутилди:

Биринчидан, 2028 йилнинг 1 январгача бўлган муддатта:

